


«Ислом – тинчлик ва бағрикенглик дини»



13:13 / 27.03.2019 2281

2019 йилнинг 28-30 март кунлари Москва ва Грозний шаҳарларида «**Ислом – тинчлик ва меҳр-саховат хабарчиси**» шиори остида Халқаро диний конференция бўлиб ўтади.

Тадбир ташкилотчилари Ахмат Қодиров номидаги Худудий жамоа фонди, Чеченистон муслмонлари Диний бошқармаси, Бутунжаҳон ислом лигаси, Ислом маданияти, илм-фан ва таълимни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти саналади.

Халқаро конференцияга жаҳоннинг 40 дан ортиқ маълум ва машҳур, нуфузли муслмон дин арбоблари, олимлар, ҳамда сиёсатчилар, таклиф этилган. Шунингдек, тадбирда Бутунжаҳон ислом лигаси раҳбарлари ҳам иштирок қилишади.

Тадбир доирасида уч кун мобайнида Исломда тинч-тотув яшашнинг асослари, Россия муслмонлари ва дунё ҳамжамияти, Халқаро терроризм ва экстремизм, Муслмонлар ва ижтимоий муносабатлар каби мавзулар кенг муҳокама қилинади.

Мазкур конференцияда «Hilol-nashr» нашриёти ва «Islom.uz» портали раҳбари Исмоил Муҳаммад Содик ҳам иштирок этмоқдалар.

Islom.uz портали таҳририяти